



## JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI HOKIMI FARMOYISHI

---

2021 - yil 20 - oktabr

109-3-43-F/21

Arnasoy tuman hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 январдаги ПФ-5609-сонли “Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш” дастури тўғрисидаги Фармони ҳамда 2019 йил 30-31 январ кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 5-сонли мажлис баёни ижросини Арнасой туманида бажарилишини таъминлаш тўғрисида**

1. Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Эшбоев)га туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил захира жамғармалари маблағлари ҳисобидан Арнасой туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармасига туманнинг кириш қисмига ўрнатиладиган монументал ҳайкал пойдевори учун 24800.0 (йигирма тўрт миллион саккиз юз минг) минг сўм, ҳарфлар яратиш учун 11200.0 (ўн бир миллион икки юз минг) минг сўм, жами 36000.0 (ўттиз олти миллион) минг сўм маблағ ажратиш бўйича туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

2. Туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси (А.Ғайбуллаев)га ушбу фармойишга асосан таклиф этилаётган маблағлар қонунда белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин.

3. Ажратилган маблағни мақсадли ишлатилишини таъминлаш туман ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи А.Самановга топширилсин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исмамов, ҳоким ўринбосари Р.Бобоевлар зиммасига юклатилсин.

**Ноким**



**Ҳ.Алимарданов**